280694

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 16 июнь, пайшанба № 103 (21.707). Сотувда эркин нархда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Р. АКБАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшгани, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Тошкент вилоятининг Тошкент тумани ҳокими Рустам Раҳбарович Акбаров Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 15 июнь.



**Эндиликда республикамиздаги ҳар бир онла гугурт билан таъминланадиган бўлди. Яқингинада қурилиб, фойдаланишга топширилган «Ўзэллас» ўзбек-грек қўшма корхонаси ана шу маҳсулотни ишлаб чиқармоқда.**

**Маҳаллий раҳбарларнинг ташаббускорлиги, «Ўзглавстройдревпром» бирлашмасининг фаол ҳаракати ва грециялик тадбиркорларнинг ғайрат-шижоати билан республикамиз пойтахтининг Сирғали туманида ана шу корхона фойдаланишга топширилди.**

**Грециянинг таниқли «Импекс групп» фирмаси ҳам катта инвестициялар ажратди. Ҳозирча корхонада кунига 800 минг қути гугурт тайёрланяпти.**

**Суратда: қўшма корхона ишчиси Карима Юсупова ва грециялик бизнесмен Василнос Коловецнос.**

**Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

**Вазирлар Маҳкамасида давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни мазкур комиссия раиси, республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.**

Мажлисда комиссия қарорларининг бажарилиши ҳақидаги ахборот тингланди. А. Муталов давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ҳақида гапириб, жумладан, бундай деди:

— Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш, афсуски, ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Кўпгина туманларда эски шиорлар, лавҳалар ҳамон турибди. Айрим вазирлик ва идораларда ҳам бу муҳим масалага эътиборсизлик билан қаралаётгани ачинарлидир. Масалан, Вазирлар Маҳкамасига Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги шу йилнинг тўрт ойи мобайнида юборган 129 та ҳужжатнинг бирортаси ҳам давлат тилида ёзилмаган.

Айрим раҳбарларимизда давлат тилига эътибор борасида миллий ғурур, ватанпарварлик, юртга, халққа фидойилик етишмаётганга ўхшайди.

Мажлисда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши борасидаги комиссия қарорининг қандай бажарилаётгани муҳокама этилди. Бу ҳақда республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ҳ. Бектемиров, авиакомпания бош директорининг биринчи ўринбосари А. Рўзиметов ахборот берди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида давлат тилини амалиётга татбиқ этиш борасида бирмунча иш қилинганига қарамай, ҳали бу соҳада анча камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Унинг деярли барча бўлимлари ва ҳудудий бошқармаларида иш фақат рус тилида юритилаётгани, пойтахт аэропортида эълонлар давлат тилида ўқилмаётгани ва ўзбекча маълумотномалар, лавҳалар етарли эмаслиги қайд этилди.

Мажлисда республика Прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи В. Қосимов давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилмаслик ҳоллари ва уларга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан комиссия аъзолари П. Қодиров, И. Раҳим, Э. Юсупов, Б. Бойқобилов, М. Абдусаломов, А. Аъзамхўжаев, З. Ҳакимов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

# КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш мажлисида қишлоқда ислоҳотни, қайта ўзгартириш жараёнларини тезлаштириш мақсадида ҳамда бу борадаги Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилувчи махсус комиссия тузилди.**

Комиссия аъзолари ҳозирдаёқ бир қанча вилоятларда бўлиб, бу соҳада қилинаётган ишларнинг аҳволи билан танишди. Навбатдаги шундай текширув Қашқадарё вилоятида бўлди.

Текширув якунларига бағишланган йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди. У вилоятда иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда баъзи ижобий ўзгаришларни қайд этиш билан бирга, асосий эътиборни бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга қаратди. Жумладан, республика ҳукумати қабул қилган кўпгина қарорларнинг моҳиятини қуйи бўғин раҳбарлари яхши тушуниб етмаган. Кўпгина жамоа ва давлат хўжаликлари номигагина ўзгариб, иш услуби эскича қоляпти. Бунга эса асло тоқат қилиб бўлмайди. Баъзи жойларда эски тузумдан мерос бўлиб қолган кампаниячилик, «урра-урра»чилик иллатлари сезиляпти. Айниқса, деҳқон (фермер) хўжаликлари ёрдамга муҳтож. Улар эркин фаолият кўрсата олмаяпти: Бу борада айрим банк ходимлари ҳам ишга тўғаноқ бўлмоқда, фермерларга қарз беришда сансалорликка йўл қўйилмоқда.

Вилоятда боғ ва токзорларни хусусийлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Кўпгина раҳбарларда ташкилотчилик ва ташаббускорлик етишмайди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Темир Ҳидиров ҳамда бир неча туман ҳокимларининг ахборотлари тингланди. Улар қишлоқ хўжалигида ислоҳотни амалга ошириш, хусусийлаштириш борасида комиссия аниқлаган жиддий камчилик ва нуқсонларни эътироф этиб, уларни тезда бартараф қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилажагини айтдилар.

Йиғилишда республиканинг тегишли вазирликлари, банк ва идораларининг раҳбарлари қатнашди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## ТАЖРИБА ЎРГАНИШГА «ТАРАҚҚИЁТ»ГА КЕЛИНГ

**Жумҳурият аҳамиятига молик янги тажрибалардан бири Боёвут туманидаги «Тараққиёт» жамоа хўжалигининг умумтаълим мактабларида пайдо бўлмоқда. Бу ердаги Ибн Сино номли 6-ўрта мактабнинг ўзидагина еттита кичик корхона ишлаб турибди. Сўнгги икки йил мобайнида туман мактабларида жами 34 та кичик корхона очилиб, уларда ҳозир 17 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.**

Ана шу ва бошқа илғор тажрибаларни ўрганиш, уларни оммалаштириш мақсадида «Тараққиёт» жамоа хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўзининг кўчма ҳайъатини ўтказди. Ҳайъат мажлиси хўжалик ва туман мактабларидаги ҳайрли ишлар, илғор тажрибаларни маъқуллади, уларни жумҳуриятимиз бўйлаб кенг оммалаштириш чора-тадбирларини белгилади.

**Абдужалил УМАРОВ,**

## БОЗОР—ДЕҲҚОН ХИЗМАТИДА

**Пахтакор тумани деҳқон бозорида ҳаридорлар учун катта қулайлик яратилди. Аҳолига ёпиқ усулда хизмат кўрсатадиган савдо растаси ишга тушди. Бу деҳқонларнинг қишин ёзин ўз маҳсулотларини сотиш имконини беради. Туман хўжаликларидан келтирилган маҳсулотларни сотиш учун иккита дўкон қурилди. Йил охирига яна учта савдо павильони фойдаланишга топширилади.**

**— Маҳсулотни қўлайтирмасдан туриб, бозордаги нарх-навони арзонлаштириб бўлмайди,— дейди бозор қўмитаси раиси Шакар Тожиев. Биз деҳқонларимизга кераклн шароитлар яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бозорда улар учун меҳмонхона бор. Ўлгуржи топшираман деганларга ҳам хизмат кўрсатишни йўлга қўйганмиз.**

## ДОРИВОР ЎТЛАРДАН МАЛҲАМ

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими очган кичик корхонага «Шифо» номи берилди. Бу корхона доривор гиёҳлар, ноёб ўсимликлар ҳамда экологик жиҳатдан мусаффо бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш билан шуғулланади. Тайёрланган маҳсулотлардан олинган дори-дармонлар эса соғломлаштириш шахобчаларига шартнома асосида берилади. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими халқ саломатлиги йўлида хайрли ишларни қилмоқда. У Жиззах шаҳридаги болалар шифохонасини ҳам ўз оталиғига олди. Шифохонани дори-дармон билан таъминлаш унинг зиммасида турибди. Бўлим шаҳардаги ақли заиф болалар интернатига соғломлаштириш учун бир миллион сўм ўтказди.**

**Пардабой ТОЖИБОЕВ.**

## «ЛИДЕР»— КАРВОНБОШИ ДЕГАНИ

**● Ҳақиқатан ҳам шундай. Хуршид Рауповнинг «Лидер» хусусий фирмаси Самарқанддаги барча ишбилармон ва мутахассисларнинг эътиборига тушди.**

Гап шундаки, бу ерда ишловчи ҳар ўн киши юз ишчининг юмушини бажаради. Бу йил фирма 90 миллион сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаради. «Лидер» асосан автомашиналарни таъмирлаш билан шуғулланмоқда. Яқинда ўзлари шина ясадилар. Маҳсулот Ярославлдаги лабораториядан синовдан ўтмоқда.

«Лидер»да аккумулятор ясаш цехи ҳам қурилаяпти. Техника борасида муайян тажрибага эга бўлган Олим, Азим ва Фурқатлар ҳам отасининг ёнига келиб қўшилишди. Маҳмуд эса падари бузруквори — фирма президентининг маслаҳатчиси. Айтгандай, тўрт ўғил оиласи билан бирга отасининг ҳовлисида иноқ яшашади.

**Фармон ТОШЕВ.**

## САКСОВУЛДАН— ҚОҒОЗ

**Қоракўл ўрмон хўжалиги мутахассислари саксовулдан қоғоз олиш мумкинлигини далиллаб бердилар.**

Ўрмон хўжалигида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, саксовул ёғочида 36,2 фоиз целлюлоза мавжуд экан. Саксовулдан олинадиган қоғоз оппоқ, силлиқ бўлмаса-да, ундан ҳозирги тақчиллик шароитида халқ хўжалигимиз учун ишлатиладиган ўрама қоғозлар, халтача ва идиш қутилар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ундан фанерга монанд қурилишбоп материал ҳам тайёрласа бўларкан.

**Даврон БАҲРОНОВ,**

# МАСЪУЛИЯТГА ЯРАША ИШЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ҳар қачонгидан ҳам собитқадам бўлишни, омма ўртасидаги сиёсий, тарбиётчилик ва ташкилотчилик ишларини кучайтиришни талаб этади.

Шу мақсадларда Марказий Кенгаш биринчи котиби М. Расулов куни кеча Наманган вилоятида бўлиб, партиямиз фаоллари, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашди. У дастлаб Янгиқўрғон туманида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишди. Бу ерда сўнгги йилларда ибратли ишлар қилинмоқда. Қўшимча ишчи ўринлари яратиш, кичик корхоналарни ташкил этиш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масалалари изчил ечилмоқда. Қарийб 1400 гектар ерга голланд технологиясидан фойдаланиб, сифатли картошка етиштириляпти.

Туманда хусусийлаштириш жараёни тобора кенгаймоқда. Мулкни ўз эгасига топшириш шарофатини «Гулшан» жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси мисолида кўриш мумкин. Ферма бултур октябрь ойида ХДП аъзоси А. Мирзабоев раислик қилаётган ҳиссадорлик жамоасига айлантирилди. Ўшандан буён одамларнинг ишга муносабати ўзгарди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди, саранжомлик, тежамкорлик кўзга ташланмоқда. Жамоа қарзлардан қутулди, маҳсулотни кўпайтириш натижасида фойда кўрмоқда. Одамларнинг даромади ошмоқда.

Ери ва иқлими мева ҳамда сабзавот етиштиришга қулай туман хўжаликлари бу йил биринчи марта пахта етиштиришдан озод қилинди. лар. Демак, мева, узум, сабзавот, картошка маҳсулотлари кўпаяди. Айни замонда, уларни йиғиштириб олиш, сақлаш, қайта ишлаш масалаларига эътиборни қаратиш лозим.

Туман марказидаги тикувчилик фабрикасида ҳам иш қизғин. Хуллас, Янгиқўрғонда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш соҳасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Уларда маҳаллий партия ташкилотлари, ХДП аъзоларининг ҳиссаси катта. Аммо, янги-янги муаммолар, ечимини кутаётган масалаларга куч-ғайратимизни қаратишимиз, одамларни унумли меҳнатга руҳлантиришимиз керак. «Қўриқ» маҳалла ва бошқа бошланғич партия ташкилотларида ҳамда фаоллар билан бўлган дилкаш суҳбатларда ана шу ҳақда фикр алмашилди.

Косонсой туманида бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан бўлган учрашув жонли мулоқотга айланди. М. Расулов республика Олий Кенгаши XV сессияси қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқи ва Марказий Кенгаш X пленуми қарорлари, иқтисодий ислоҳотлар ғоясини ҳар бир фуқарога тушунтириш лозимлиги тўғрисида йиғилганларга гапирди. Уларнинг диққати партиямиз, бошланғич ташкилотларимиз, ХДПнинг ҳар бир аъзоси олдида турган ҳозирги долзарб вазифаларга тортилди.

Бу туманда ҳам арзигулик ишлар кўлами кенг. Масалан, Косонсой шойи тўқиш фабрикаси қошида 500 тонна пиллани ва 6000 тонна жунни қайта ишлашга мўлжалланган корхона қурилиши жадал олиб борилмоқда. Туман ҳокимлиги ва шойи тўқиш фабрикаси маъмуриятининг бу ишда партиямиз фаолларига таянаётганлиги жуда қўл келмоқда.

М. Расуловнинг вилоят, шаҳар туман партия кенгашларининг котиблари билан суҳбатида Марказий Кенгаш X пленуми қарорларини бажаришни ташкил этиш, Миллий истиқлол мафкурасини оммалаштириш, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш масалалари катта ўрин эгаллади. ХДП сафларига ойда 400—500 нафар эътиқодли, ислоҳотлар йўлига содиқ, амалий ишларга қодир кишиларнинг қабул қилинаётганлиги вилоят партия ташкилотларининг фаолияти масъулиятли давримизга монанд бўлаётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, М. Расулов Чустдаги «Барион» заводи бошланғич партия ташкилоти ишлари билан танишди. Мингбулоқ нефтчиларини мамлакатимиз учун ўта зарур бўлган нефть маҳсулотини чиқариб олиш бошланғани билан Марказий Кенгаш раҳбарияти номидан қизғин табриклади. Унинг иштирокидаги учрашув ва суҳбатларда Наманган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Фаёзов қатнашди.

**Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.**

## • Эртага жаҳон футбол чемпионати ўйинлари бошланади

# БЕОРОМ ВА СЕРЗАВҚ КУНЛАР

Миллионлаб мухлислар орзиқиб кутган кунлар бошланмоқда. Улар катта футболнинг бетакрор воқеалариюо тасодифларидан завқланиб, тунларни беором ўтказишга шайланишган. Дарвоқе, жаҳоннинг энг кучли терма жамоалари ўртасидаги иккинчи йил аввал бошланган баҳслар эртадан бошлаб ўзига хос сарҳисоб бўлади, дейиш мумкин. Чунки эртага АҚШ шаҳарларида жаҳон кубоги учун ўзаро кураш бошлайдиган 24 терма жамоани саралаш учун 575 кун лозим бўлган эди. Бугун эса Европадан 13 жамоа — Германия, Италия, Швейцария, Норвегия, Голландия, Испания, Ирландия, Руминия, Бельгия, Греция, Россия, Швеция, Болгария, Жанубий Америкадан 4 та—Колумбия, Бразилия, Боливия, Аргентина, КОНКАКАФдан 2 та—АҚШ, Мексика, Африкадан 3 та — Нигерия, Марокко, Камерун, Осиёдан 2 та — Саудия Арабистони, Жанубий Корея футболчилари мусобақа баҳсларга шай бўлиб турибдилар.

Чемпионат ўйинлари бу сафар ўзгача шароит ва тартибда ўтказилмоқда. Хусусан, энди ўйинчилар вақтни чўзиш мақсадида майдон ўртасида арзимаган баҳона билан ястаниб ётмайдилар. Бундай айёрликка чек қўйилди. Жароҳатланган футболчи зудлик билан электромобил ёрдамида олиб чиқиладн. Кейин ўйинчининг орқасидан келиб, оёғига тепиш ҳам қаттиқ жазоланадиган бўлди. Ўйин давомида 3 футболчини алмаштиришга рухсат берилади.

Финал учрашувларига жами 3,6 миллион чипта сотиш кўзда тутилган. Унинг нархи бор-йўғи 58 доллар. Бу чипталарнинг 1,6 миллионтаси АҚШдан ташқарида тарқатилади. Чемпионат ташкилотчилари ўйинларни ҳаммабоп бўлишини инобатга олиб учрашувларни АҚШ вақти билан 12.30 да бошлашга аҳд қилдилар. Бу вақтда Оврўпода иш вақти тугаб, мухлислар ойнаи жаҳон қаршисида ўтиришга имкон топадилар. Ўзбекистон шароитида эса соат 23.30—24.00 атрофида бўлади. Ўзбекистон телевидениеси орқали энг қизиқарли учрашувларни бевосита олиб кўрсатишга қарор қилингани ҳам шундан.

Аксарият ишқибозлар хабардор бўлишса ҳам яна бир бор такрорлашни лозим топдик. У ҳам бўлса, бу йилги чемпионатдаги бир янгилик, яъни ютуқ учун 3 очко, дуранг натижага бир очко берилишидир. Мақсад курашнинг муросасизлигини таъминлашдан иборат. Таҳмин қилишларига қараганда чемпионатнинг тантанали очилиш маросимини ер юзининг қарийб 1,5 миллиард киши-си томоша қилар экан. Ҳар бир учрашувни эса 700—800 миллион киши кузатишига имкон яратилади. Футбол байрамида шахсан АҚШ Президенти Б. Клинтон билан Германия канцлери Г. Колнинг иштирок этиши кутилмоқда. У эмас-бу эмас мусобақа ташкилотчиларининг зарар кўрмасликлари аниқ. Ҳисоб-китобларга кўра футбол анжумани Америка иқтисодиётига қарийб 4 миллиард доллар қўшимча фойда келтирар экан.

Илгариги замонда футбол бу тижорат, дейилса кўпчиликка эриш туюларди. Ваҳоланки, ҳамма нарса иқтисодиёт ва моддий манфаатдорликка боғлиқлиги аён бўлмоқда. Хусусан, жаҳон кубоги учун курашувчи 24 терма жамоанинг ҳар бири миллион Швейцария франкига эга бўлади. Бундан ташқари ҳар бир финалчи жамоа ўз миллий футбол уюшмасига 7 миллион Швейцария франки ҳисобида наф келтириши ҳам ҳисоблаб чиқилди. Яна бир гап: Халқаро футбол федерацияси 24 жамоанинг АҚШга келиши ва кетиши билан боғлиқ ҳаражатларни ҳам ўз зиммасига олган. ФИФА жами 52 учрашув иштирокчисига мукофот тариқасида 104 миллион Швейцария франки ажратган.

Жаҳон чемпионати иштирокчиларига мўлжалланган «Олтин тўп», «Олтин бутси» ҳамда «Лев Яшин совриниг» каби мукофотлар кимга насиб этаркин? Биз буни бир ой мобайнида 6 гуруҳга бўлинган жамоанинг ўзаро баҳсларида билиб борамиз. Совринли ўриналарга қайси жамоаларнинг даъвогар бўлишини ҳам вақт кўрсатади.

Дастлабки учрашув эса «С» гуруҳига кирувчи Германия —Боливия жамоалари ўртасида бўлиб, бу ўйин эртага Чикагода чемпионатнинг байрамона очилишидан кейин ўтказилади. Шу куни яна бир ўйин: Даллас шаҳрида Испания—Жанубий Корея командалари учрашади.

Мухлисларни бир замонлар Москванинг «Спартак», «Динамо», «Торпедо» жамоаларида куч синашган футболчилар ва бошқа ўйинчилар ҳисобига тўлдирилган Россия терма жамоасининг тақдири қандай кечиши қизиқтирмоқда? «В» гуруҳида Россия футболчилари билан Бразилия, Камерун ва Швеция жамоалари куч синашади. Зеро, бу жамоаларнинг бош тренерлари Россия футболчилари ҳақида ҳозирча бирон нима дейишгани йўқ. Аксинча Бразилия футболчилари устози Карлос Паррейра Камерунни ўзлари учун ноқулай жамоа, деб ҳисоблаётган бўлса, Камерун футболчиларига бош бўлиб турган Жан-Пьер Сади: «Бундай гуруҳга тушишни ким ҳам орзу қиларди. Зеро, тўрт йил аввалги чемпионатни эсга оладиган бўлсак, чўчишга ҳам ўрин йўқ», мулоҳазаси билан чекланди. Швеция футболчилари устози Томми Свенссон эса: «Биз учун бундан баттари бўлмас», деган фикрда. Ҳаркалай олдиндан башоратли гап айтиш қийин. Чемпионат иштирокчиларининг ҳар бирида «қулоққа айтиладиган» гаплар борки, бу ҳаммаси тўп учун шиддатли курашда ошкора бўлиб борса, ажабмас.

**Ҳайдар НОСИРОВ.**

**17 ИЮНДАН — 17 ИЮЛГАЧА**

**● «А» ГУРУҲИ.** 18 июнь. АҚШ — Швейцария, Колумбия — Руминия. 22 июнь. Руминия—Швейцария, АҚШ — Колумбия. 26 июнь. Швейцария—Колумбия, АҚШ — Руминия.

**● «В» ГУРУҲИ.** 19 июнь. Камерун — Швеция. 20 июнь. Бразилия — Россия., 24 июнь. Бразилия — Камерун, Швеция —Россия, 28 июнь. Россия — Камерун, Бразилия—Швеция.

**● «С» ГУРУҲИ.** 17 июнь. Германия — Боливия, Испания — Жанубий Корея. 21 июнь. Германия — Испания. 23 июнь. Жанубий Корея — Боливия. 27 июнь. Боливия — Испания. Германия — Жанубий Корея.

**● «Д» ГУРУҲИ.** 20 июнь. Аргентина — Греция. 21 июнь. Нигерия—Болгария. 25 июнь. Аргентина —Нигерия. 26 июнь. Болгария—Греция. 30 июнь. Греция — Нигерия, Аргентина — Болгария.

**● «Е» ГУРУҲИ.** 18 июнь. Италия — Ирландия, 19 июнь. Норвегия — Мексика, 23 июнь. Италия — Норвегия, 24 июнь. Мексика — Ирландия 28 июнь. Ирландия — Норвегия, Италия — Мексика.

**● «Ф» ГУРУҲИ.** 19 июнь. Бельгия — Марокко, 20 июнь. Голландия — Саудия Арабистони. 25 июнь. Бельгия —Голландия, Саудия Арабистони— Марокко. 29 июнь. Марокко— Голландия, Бельгия—Саудия Арабистони.

**● 1/8 финал ва чорак финал учрашувлари ҳақида кейинчалик маълумот берамиз. Ярим финал ўйинлари 13 июлда, учинчи ўрин учун кураш 16 июлда, финал ўйини эса 17 июль куни Лос-Анжелесда бўлади.**

# ЖАҲОН ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ФЕСТИВАЛИ

**17 июнь куни Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жаҳон ислом маданияти фестивали бошланади. Унда бутун дунёдаги исломий маданият анъаналарига эга бўлган мамлакатлардан вакиллар қатнашади. Фестивалда ислом тарихи ва маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар, кинофильмлар намойиш этилади. Ҳаттотлар, мусиқачилар ва миллий таом усталарининг мусобақалари уюштирилади.**

Анжуманда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этадилар. Улар тадбир қатнашчиларига ўзбек халқ ҳунармандчилиги, каштадўзлик, меъморлик, қандакорлик ва заргарлик намуналарини намойиш этадилар. Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимиздаги қадимий ёдгорликларнинг суврати кўргазмаси, Беруний, Ибн Сино, Исмоил Бухорий каби алломаларимиз ҳаётини акс эттирадиган экспонатлар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий. Кўргазмага қўйиладиган ашёлар орасидан энг қадимий қўлёзмалар ҳам жой олган. Улар ўзбек заминида ислом маданиятининг шаклланиши, фалсафий-диний оқимларнинг юзага келиш тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳамюртларимиз жаҳон фестивалида Ўзбекистоннинг кўҳна ислом маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини муносиб намойиш этадилар, деб ўйлаймиз.

(ЎзА).

• ХДП ҳаётидан

# ХАЛҚЧИЛ ПАРТИЯ ОБРЎ ТОПАДИ

Мустақил республикамиз шиддаткор ҳаёти кундалик воқеа ва ўзгаришларга шу қадар бойки, уларнинг биридан хабардор бўлиб, фикр-мулоҳаза юритгунингча бошқаси содир бўлади. Биз, партия аъзолари деярли ҳамиша ана шу сиёсий чашма ичида бўлганимиз учун бирга қайнаймиз, унинг мазмун-моҳиятини англаб яшаймиз. Бироқ, асосий вақтини далада, фермада, устахона ва бошқа ишлаб чиқариш жойларида ўтказиб, газета ўқишга ё телевизор кўришга ҳам вақти етиб-етмайдиган қишлоқ меҳнаткаши бўлардан қандай хабардор бўлади?

Бошланғич ташкилотимиз аъзолари республикамиз сиёсий ҳаётидаги воқеаларни, Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мазмунини, иқтисодий ислоҳот жабҳасидаги ўзгаришларни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси ҳужжатларини, унда Президент Ислом Каримов сўзлаган нутқнинг мазмун ва моҳиятини чўлқуварларимизга муттасил етказиб бориш дастурини тузиб олишган. Демак, бирлашмамизда меҳнаткашлар барча воқеалардан биз орқали воқиф бўладилар. Бунда партия аъзоларимиз ва фаолларимиз омма билан мулоқотнинг суҳбат, маъруза, мунозара каби усулларидан фойдаланишмоқда. Бундай иш юритишимизнинг яна бир яхши томони шундаки, меҳнат аҳли мулоқотлар пайтида ҳукумат ҳужжатларида қўйилаётган вазифаларни бажариш бўйича таклиф-мулоҳазаларини айтибгина қолмай, ўз амалий намуналарини ҳам намоён этмоқдалар. Ўз навбатида биз уларнинг ташвиш-муаммоларидан огоҳ бўлиб, маъмурият билан бирга ижобий ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.

Бошланғич партия ташкилотимизнинг одамларга яқинлиги уларнинг партияга ишончини мустаҳкамламоқда. Натижада сафимизга келаётганлар сони тобора ортаётир. Сўнгги олти ой ичида 11 нафар меҳнатда синалган, жамоат ишларида фаол кишиларни партия аъзолигига қабул қилдик. Умуман, партия аъзоларимиз сафи бултурги 55 нафардан 82 нафарга етди.

Биз партия аъзолигига қабул қилишда шошма-шошарликка, тасодифларга йўл қўймасликка ҳаракат қиляпмиз. Партия сафига ўтувчи ҳар бир номзод беш-олти ой ҳисобга олиниб, унинг феълатвори, одамлар орасидаги ўрни, ойладаги масъулияти, меҳнат жамоасидаги мавқеи ва бошқа фазилатлари ўрганилади. Сўнг бошланғич ва цех партия ташкилотида у билан суҳбатлашиб, партиянинг мақсад ва вазифалари, Низом қоидалари тўғрисидаги тушунчасини аниқлаймиз, билмаганларини ўргатамиз. Шундан сўнг у қатъий фикрга келиб, партия аъзолигига ўтишга жазм этгачгина аризасини олиб, умумий партия йиғилиши ёки ижроия бюро йиғилишида кўриб чиқамиз. Йиғилиш қарорини туман партия кенгаши тасдиқлагач, партия билетларини тантанали равишда топширамиз. Яқинда бирлашмамиз ёшлари етакчиси, оддий ишчи Камол Қуттиев, чорвачилик фермамиз молбоқари Эрмамат Абдуқодиров ва ёш муаллима Лолахон Мамарасуловаларга аъзолик билетларини чўлқуварларимизнинг умумий йиғилишида топшириб, уларга партиявий топшириқларни ҳам шу ерда айтдик. Бу уларнинг масъулиятини оширади.

Бирлашмамиз маъмурияти доимо бизни қўллаб-қувватлайди. Шу сабабдан ҳам бизнинг шаҳарларда ўқиётган талабаларга, уруш фахрийларига, ёлғиз оналар ва ногиронларга қўшимча ёрдам бериш ҳақидаги тақдимларимизни қабул этди. Фермер-деҳқонлар ва тадбиркорларга ҳам биз билан бирга қайишмоқда. Кадрларни ишга жойлаштириш борасида ўзига яқин маслаҳатчи сифатида қарамоқда. Худди шу кунларда эса бошланғич партия ташкилотимизнинг Олий Мажлис сайловларига пухта тайёргарлик кўриши учун ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Шубҳасиз, маъмуриятнинг бундай илиқ муносабати партия аъзоларимиз ғурур ва масъулиятини, ташкилотимизнинг жанговарлигини оширмоқда, сиёсий-ташкилий ишларимизнинг пухтароқ бўлишини таъминламоқда.

**А. ТОШМУРОДОВ,**
**Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» ижара ширкатлар бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти котиби.**

**Ислоҳотларнинг янги босқичга ўтиш жараёни кечаётган бир пайтда республикамизда муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ишлар амалга оширилаётгани ҳақида бугун дадил гапириш мумкин. Ўз навбатида Республикамиз Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги бир қатор Фармонлари ҳаётга қай даражада тадбиқ этилаётганлигини ўрганиш давр талабига айланмоқда. Бунинг учун эса, аввало, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ғоявий-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан пухта билимга эга бўлишлари лозим. Хуллас, маҳаллалар партиямиз таянчи эканлигини унинг раислари ва ўша ерда истиқомат қилаётган аҳоли обдон ҳис этмоқлари зарур.**

# АМАЛИЙ ЎҚУВ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят ҳамда шаҳар кенгашларининг саъй-ҳаракати билан Наманган шаҳрининг «Артелобод» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг амалий ўқуви ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги ва вилоят маҳалла ҳайрия жамғармасининг ҳамкорлиги ҳам ушбу ўқувда катта аҳамият касб этди.**

**Ўқувни Наманган шаҳар ҳокими Акмалхон Икромов олиб борди. Бир пиёла чой устида ташкил этилган бу тадбирда дастлаб вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Азамат Фаёзов сўз олиб, ЎзХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб-ташвиқ этиш, халқимизнинг азалий анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда партиянинг тутган ўрни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларга тайёргарлик масалаларига тўхталди. Наманган шаҳар прокурори Набижон Фаёзов маъмурий органлар билан маҳалла фуқаролар йиғинларининг жиноятчиликнинг олдини олишдаги ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бу борадаги баъзи муамолар ҳақида гапирди. Вилоят «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси Ғанижон Тожибоев ўқув иштирокчилари эътиборини республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни беқиёслигига қаратди.**

**Йиғилиш сўнгида ХДП сафига янги қабул қилинганларга партия билетлари топширилди.**

**Жамолиддин МУСЛИМ,**
**Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши масъул ходими.**



**Фарғонадаги 1-уйсозлик комбинати шаҳар биқинидаги Миндонободда 20 онлага мўлжалланган бир ва икки қаватли котеж уйларни қуришга киришди. Бу уйлар кредит ҳисобидан тикланиб, фуқароларга нақд пулга сотилади.**

**СУРАТДА: уй блоклари ишлаб чиқариш цехининг бригада бошлиқлари Қудрат Азаров ва Аҳмад Йўлдошев.**

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" тадиловича

# СУВ

Қўлимга қалам олдиму кўз олдимдан бир манзара сира нари кетмаяпти: эгнига атлас кўйлак кийган туппа-тузук келинчак анҳор ёқасига келди-да, бир тоғора ахлатни... сувга ирғитди. Э воҳ, бу қандай гумроҳлик?! Бу одат бизга қачон юқди? Наҳотки ўша аёл ҳамма нарсани сув яшираверади, деб ўйлаган бўлса. Хунукдан-хунук бу ҳолатдан тонг қотдим. Танбеҳ ҳам беролмадим. Вужудимга ғашлик ўрнашиб қолди.

Эҳтимол юқоридаги манзара ягона бўлганда бу ҳақда ёзиб ҳам ўтирмасдим. Афсуски ҳаёт манбаи ҳисобланмиш сувга нисбатан нодонларча муносабатни ҳаётимизнинг ҳар қадамида учратяпмиз. Ахир бизнинг халқимиз дунёда энг покдомон, озода, ҳамиятли халқ эди-ку?! Тириклик неъмати — сувни эъзозлаш бизга ота-боболаримиздан азалий мерос эди-ку?!

Инсон ҳаётининг асоси сув эканлигини кўп гапирамиз. Ниҳоятда керакли, мавжудлиги шарт бўлган нарсаларга «сув ва ҳаводай зарур» деган қуйма иборани нисбат беришади. Қаранг, ҳаводан ҳам олдин сувни айтяпмиз. Рост-да, сувсиз ҳаёт йўқ. Ахир одамзод тарихи, тақдири шу оби-ҳаёт билан чамбарчас боғланиб кетмаганми?! «Халқ ғамидин ғами» бўлган Навоий бобомиз ҳам достонларида сув келтирган қаҳрамонларни мадҳ этиш орқали халқнинг асрий орзуларини ифода этган-ку! Бепоён саҳроларда келаётган одам кўзига кўринган сароб ҳам сув бўлиб кўринган. Қадим Хоразмда сувни туялар ҳаракатга келтирган чиғириқ ёрдамида чиқаришган, эҳтиёжга ярашасини олгач жониворларга дам беришган: шу тарзда ер остидаги сувни ҳам эҳтиёт қилишган. Шуларни ўйлаганда биз оби-ҳаётни хор қилмаяпмизмикан, деган хаёлларга борасан киши.

Ҳа, ям-яшил шаҳарлару серфайз қишлоқлар, хушманзара гўша ва масканлар — ҳамма-ҳаммаси дарё, анҳор, сой бўйларида бунёд бўлган. Инсоният пайдо бўлган илк даврларда сувга илоҳий тус берилган, унга сиғинишган.

Аслида ҳозир ҳам сувга нисбатан ихлос қўйсак чакки бўлмасди. Ахир у табиатнинг чинакам мўъжизаси, умримизнинг мангу йўлдоши. Шундай экан, биз сувнинг мусаффолигини сақлаш, ҳар томчисини эъзозлаш борасида ҳамма чораларни кўряпмизми? Афсуски бу саволга ҳеч иккиланмай салбий жавоб беришга тўғри келади. Тиниқ чашмалардан, қорли тоғлардан оқиб келаётган оби-ҳаёт сиз ва бизнинг ҳузуримизга келиб зилоллигини йўқотяпти, ҳалоллигидан маҳрум бўляпти. Айрим худобехабар замондошларимизнинг бефаросатлигидан, лоқайдлигидан булғанмоқда (бошқача сўз тополмадим).

Президентимиз Ислом Каримов аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича фармон ва қарорлар қабул қилиб келмоқда. Юртбошимизнинг куйиб-пишиб ҳаракат қилганликлари туфайли жойларда сув масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Лекин бу ҳаётий муаммо ечими ҳақида ҳар бир фуқаро бирдай жон куйдирмас экан, кўзланган самарага эришиш мушкул. Сувга нисбатан эътиқод уйғотиш, уни тежаб-тергаб ишлатиш зарурлигини фарзандларимизга ҳали мурғаклигидан сингдириб боришимиз керак.

Маҳаллалардаги суҳбат ва мулоқотларда, мактаблардаги тегишли фан машғулотларида сув ва унинг қадри хусусида бор овоз билан сўз юритишимиз лозим. Бу мавзудаги гаплар умумий тарзда бўлмай, аниқ ҳаётий мисолларда далилланиши, амалий ишлар билан боғланиб кетиши зарур. Нафақат сувга мутасадди кишилар, балки вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ҳудудларига масъул раҳбарлар сув қаердан келиб, қаердан чиқиб кетаётганлигини, унинг ҳолати, шарт-шароитини тўлиқ билиб турмоқлари зарур. Акс ҳолда бир ариқдан кирган сув шохобчалар кўмилганлиги сабабли «адашиб» бошқа жойларга оқиши, тошиши мумкин. Бизда эса кўмилиб қолган ариқлар истаганча топилади. Беихтиёр ўйлаб қоласан: Наҳотки ўша иш учун масъул кишиларнинг виждонлари ҳам кўмилиб кетган бўлса.

Аслида сув бор жойда атроф чаманзор бўлиши керак. Халқимиз бежиз «Сув келди — нур келди» демайди. Айтайлик, бундан 25-30 йиллар муқаддам файзли манзаралар бўларди: ариқ ва жилғалар бўйлаб зилол сув чулдираб оқар, сув ўтган йўлларда ҳаёт яшнарди. Иссиқнинг тафтини кесувчи ғир-ғир шабада эсиб турадиган сарҳовузлар қани?! Бир мутахассис менинг бу гапларимни эшитиб «Ахир 25 йилда аҳоли икки баравар кўпайди-ку, буёғини ҳисобга олмайсизми?» деб

# ҲАҚИ ДА

эътироз билдирди. Хўп, ҳисобга олайлик. Аҳоли кўпайган бўлса, уй-жой сатхи кенгайиб, истеъмолчилар сони ошган бўлиши мумкин. Лекин нега энди бу омил бизнинг ёмон яшашимизга сабаб бўлиши керак. Аҳоли кўпайган бўлса, яратувчи бунёдкор қўллар ҳам кўпайди. Дунёда умумий майдонининг атиги 10 фоизига тиқилиб яшаётган аҳолига эга мамлакатлар мавжуд. Улар билан таққослаганда биздаги имкониятлар чексиз-чегарасиз эмасми?!

Сув муаммолари билан шуғулланиб келаётган олим Мирзоҳид Умарохунов ўзаро суҳбатда бир литр ифлос сув бир кубометр сувни булғайди, деб қолди. Ажабо, Чирчиқ дарёсидан оқиб келаётган сув йўллари бўйидаги саноат корхоналари қанча сувни ифлослантираётган экан. Мен яшаётган уй Қорасув анҳорининг шундоқ бўйида. Илгари унда болакайлар маза қилиб чўмилишарди. Энди эса бу сувга тушиш хавфли. Аввало, анҳор ичида йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Бундан ташқари, унга тикилсангиз гоҳо-гоҳида «мойли» сув оқаётганига гувоҳ бўласиз. Назаримда анҳорни булғаётганлар «Сув етти думаласа ҳалол» деган нақлни ҳисобга олишганга ўхшайди. Аммо бундай тахлитда сув етмиш думаласа ҳам тоза бўлмайди. Эҳ-ҳ-е, сувга нималар ташланмайди. Назаримда бундай ҳоллар кенг жамоатчиликнинг нафратига, шафқатсиз муҳокамасига дучор бўлиши керак.

Хўш, томчиси гавҳар ҳисобланган сувни пок сақлаш учун нима қилишимиз керак? Албатта, азалий қадриятларимиз, эзгу удумларимиз қайта тикланаётган даврда сувга бўлган меҳр ва ихлосни уйғотишимиз керак. Бунинг учун айрим кишилар эмас, балки ҳамма-ҳамма бирдай жон куйдириши лозим. Ҳар бир киши ўзига-ўзи «Мен яшаётган уй олдидаги ариқ талабга жавоб берадими?» деб савол берсин. Аксинча бўлса, уни тартибга келтириш чорасини кўрсин.

Айни пайтда мамлакатимизда, мулкни хусусийлаштириш қизғин бормоқда. Республика раҳбариятининг бу сиёсатдан кўзлаган ғояси аён: мулк эгалик бўлса қадрланади. Масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олиб сувдан фойдаланиш борасида тўловлар жорий этилса айни муддао бўларди. Юзаки қараган кишилар



**Нўъмон Муҳаммаджонов олган сурат.**

«Нима, энди табиатдаги сувни ҳам сотиб оламизми?» дейишлари мумкин. Лекин етмиш йиллик даврда сувга хўжасизларча муносабатда бўлинганлиги оқибатида бугунги аҳволга тушдик. Дунёдаги жуда кўплаб ривожланган мамлакатларда сув пулли. Тармоқда тартиб ўрнатиш учун эртами-кечми барибир шу йўлни танлашимиз керак, деб ўйлайман. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди, унинг механизмини ишлаб чиқиш зарур. Сувдан фойдаланишда шундай мукаммал тартиб ўрнатилиши лозимки, токи ҳар томчи сув қадрини топсин.

Халқимизда «Сув ичадиган қудуғингга тупурма» деган пурҳикмат мақол бор. Бу нақлнинг ўз маъносидан ташқари янада кенг мазмуни ҳам борки, у она юртга, табаррук заминга, азиз Ватанга муҳаббатни ҳам англатади. Президентимиз жуда кўп такрорлайдиган ватанпарварлик туйғуси, киндик қони тўқилган тупроқ билан фахрланиш ҳисси жона-

# СЎЗ

жон Ўзбекистонимизда дарё ва каналлар, кўл ва сув омборлари, ариқ ва жилғаларни тозаозода сақлашга ҳам хизмат қилмоғи керак. Шу тарзда дилимизга ғурур, кўзимизга нур бахш этадиган Ватанимиз гўзал ва фараҳ бахш бўлиши даркор.

«Сув оққан сойга яна сув оқар» дейдилар. Ўтмиши буюк давлатимиз порлоқ, истиқболли жамият қуриш сари дадил одимламоқда. Бугун газетамиз саҳифасига олиб чиқилган мавзу мамлакат Президентининг «Соғлом авлод учун» олиб бораётган сиёсатига ҳам монанд деб ўйлаймиз. Зотан, авлод жисмонан соғлом бўлиши учун тоза сувга қониши, маънавий жиҳатдан соғлом ўсиши учун она ерга, сувга меҳр қўймоғи шарт. Албатта, амалга оширилаётган ишларни ҳам эътироф этишимиз керак. Ўзбекистонда «Оби-ҳаёт», «Зилол сув» деб ном олган янги-янги ташкилотлар пайдо бўлмоқда.

Булар эзгу ниятларимиз ифодасидир. Улар амалга ошса дилларимиз чароғон бўлур. Дарёларимиз сувга тўлиб юртимиз файзиёб бўлгай. Иншооллоҳ, ўша кунларга тезроқ етсак...

Бир қултум сув, у инсон ва табиат ташналигини қондириши ёки беҳуда исроф қилиниши мумкин. Бу ўзимизга боғлиқ. Келинглар, табаррук тупроғимизда тириклик неъмати — оби-ҳаёт фақат яшнаш ва яшаришга хизмат қилсин. Сувни эъзозлаганлар сувдай азиз бўлишсин!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# СУВНИ СЕВГАН СУВ КЕЛТИРАР, СЎЗНИ СЕВГАН СЎЗ КЕЛТИРАР

Сув бирлашса дарё бўлар,
Эл бирлашса—оломон.
* * *
Сув бор ерда ҳаёт бор.
* * *
Сув бузади ҳам, тузади ҳам.
* * *
Сув деҳқоннинг қони,
Ер—унинг жони.
* * *
Сув—ёруғлик.
* * *
Сув—зар, сувчи—заргар.
* * *
Сув ичадиган қудуғингга тупурма.

Сув келди, сув келди,
Ариқ тўла нур келди.
* * *
Сув оққан сойга яна сув оқар.
* * *
Сув таралар тупроққа,
Оро берар япроққа.
* * *
Сувдан—қатра,
Офтобдан—зарра.
* * *
Сувлик—бойлик.
* * *
Сувни берсанг элга,
Яшнарсан минг йилга.

* * *
Сувнинг оқишига қара,
Халқнинг хоҳишига қара.
* * *
Сувсиз ер—мозор,
Сувли ер—гулзор.
* * *
Сувсиз ерга қуш қўнмас,
Ўтсиз ерга юрт қўнмас.
* * *
Сувсиз ҳаёт бўлмас,
Меҳнатсиз—роҳат.
* * *
Йиғлаб-йиғлаб ариқ қазисанг,
кулиб-кулиб сув ичарсан.
* * *
Ер—Она, Сув—Ота,
Меҳнат—бойлик.

* * *
Тотли сув тошдан чиқар,
яхши ақл—бошдан.
* * *
Сувга тупурган коски,
қудуққа тупурган—кофир.
* * *
Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.
* * *
Эл қадрини эл билар,
сув қадрини — ер.
* * *
Дарё суви оқа-оқа тозарар.
* * *
Сувсаганга сароб сув бўлиб кўринар.
* * *

От айланиб қозиғини — топар,
сув айланиб—ёриғини.
* * *
Тома-тома кўл бўлар,
томмай қолса чўл бўлар.
* * *
Отанг — мироб бўлса ҳам,
ариқни тозалаб сув ич.
* * *
Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув.
* * *
Сувсиз ер—жонсиз жасад.
* * *
Эл ҳаёти ер билан,
ер ҳаёти сув билан.

• Тадбиркорга омад ёр

# БУНИ БОЗОР ДЕЙДИЛАР

Сурхондарё заминининг саховати чексиз. Агар тадбиркорлик билан иш тутилса ҳосилни шундай тўкиб соладики, деҳқон хонадонининг остонаси тиллодан бўлиб кетиши мумкин. Бунга вилоятнинг Денов тумани хўжаликларида бўлганимизда яна бир карра амин бўлдик.

Ҳозир воҳанинг катта кичик йўлларида юк ортилган «КамАЗ»лар карвонини кўриш одатий тус олган. Бирига картошка, пиёз юкланган бўлса, бошқаларида ёғоч, тахта, фонер, қувур, турли эҳтиёт қисмлару енгил машиналар, маҳсулотни қайта ишлайдиган турли кичик корхона жиҳозларию, чет эл қийим-кечакларини кўришингиз мумкин.

Ҳа, илгари собиқ Иттифоқ замонида минг машаққат билан етиштирилган ноз-неъматлар арзон-гаров ташиб кетиларди. Ҳатто ойлаб тер тўккан миришкорлар маҳсулотни ўзлари «марказ»га кўш-қўллаб етказиб беришарди. У ердагилар раҳмат айтиб, ҳаққини тўлаш ўрнига турли найранглар билан «актлар» тузиб, мева, сабзавотларни текин олишганди. Натижада деҳқон чув тушиб, бошини қашлаб қолаверганди.

Энди вазият ўзгарди. Мустақиллик туфайли, юртбошимизнинг узоқни кўзлаб тутаётган доно сиёсати билан энди ўз бойлигимиз ўзимизга қоляпти. Ундан биринчи навбатда меҳнат қилганлар баҳраманд бўлмоқда.

Юқорида айтганимиздек, саҳий еримиз саховатидан ўзгалар ҳам баҳраманд бўляпти. Фақат илгаригидек сув текинга эмас. Ҳақини тўлаб олиб кетишяпти. Бундан икки томон ҳам манфаатдор. Айтишларича, тумандаги «Тожикистон» жамоа хўжалигида бир деҳқон томорқасида етиштирилган 12 тонна пиёзга заводдан янги чиққан яп-янги «Москвич» машинасини алмашибди.

Ульяновск шаҳридан келтирилган «УАЗ» русумли машинага икки хонадон деҳқонлари етиштирган пиёз ҳосили кифоя қилган. Хуллас, юртимизда ишлайдиган, меҳнатига яраша роҳатини кўрадиган замонлар келди.

«Тожикистон» хўжалиги раҳбари Жума Кенжаев ёш бўлса-да, кўпчиликка бош, салоҳиятли кишилардан. Бригада бошлиғи, агроном лавозимларида ўзининг ишчанлиги, тадбиркорлиги, билими, маҳорати билан эл оғзига тушди. Давлат хўжалиги директорлигига лойиқ кўрилди. Давлат хўжалиги яқинда жамоа хўжалигига айлантирилгач одамлар уни бир овоздан раисликка сайлашди.

— Мен учун одамлар ҳурмати, меҳр-муҳаббатини қозониш энг асосийси,— дейди Жума Кенжаев биз билан суҳбатда. Аммо кўпчилик ҳурматига эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун шунга яраша уларнинг иззатини жойига қўйиш, меҳр-оқибат кўрсатиш, энг асосийси, одил бўлиш керак. Токи одамлар меҳнатига яраша роҳатини ҳам кўрсин. Халқимиз меҳнаткаш. Хўжалигимизда йил сайин маҳсулот етиштиришнинг кўпайиб боришида шу ерда ишлаётган миришкорларнинг ҳиссаси катта.

Ўтган йили барча соҳалар бўйича режалар ортиғи билан уддаланди. Масалан, 1573 тонна ўрнига 2045 тонна сабзавот, 480 тонна ўрнига 520 тонна полиз маҳсулотлари, 1120 тонна ўрнига 1150 тонна ғалла, 900 тонна ўрнига 1255 тонна пахта тайёрланди. Натижада мўлжалдаги 276,9 миллион сўм ўрнига 993,3 миллион сўм даромад олдик. Шунинг 140,4 миллион сўмини соф фойда ташкил этади.

Даромадга яраша буромад деганларидек, хўжаликда олинган фойданинг асосий қисми одамларга кўмак бериш, моддий рағбатлантириш ва бошқа маданий-маиший тадбирлар учун сарфланди. Бундан ташқари 200 тонна буғдой, 191 тонна ем-хашак, 147 тонна маккажўхори дони, 63 тона гуруч, 2 минг килограмм мой арзон баҳода, яъни ишлаб чиқариш нархида сотилди.

Айни пайтда 844 ўринли замонавий мактаб биноси қурилмоқда. 4 та қишлоқ газлаштирилган. Қолган қишлоқларда газ ўтказиш жадаллик билан давом эттирилаётир. Бундай дейишимизнинг боиси бор. Сабаби собиқ Иттифоқининг парчаланиши туфайли энди марказлашган тартибда керакли нарсаларни олишнинг иложи йўқ. Ўзинг учун ўл етим, деганларидек ҳозир фақат ҳаракат қилиш, елиб-югуриш, тадбиркорлик кўрсатиш лозим бўляпти.

Юқорида қўшни мамлакатлар, хусусан, Россия моллари ортилган юк машиналар жумҳуриятимизга серқатнов бўлиб қолди, деб бекорга айтмадик. Чунки уларга диёримизда етиштирилган ноз-неъматлар доимо зарур бўлиб келган. Ҳозир ҳам керак. Шунинг учун ҳам энди мажбур бўлиб ўзлари келишяпти. Мол келтириб, озиқ-овқат сўрашяпти.

— Илгари,— дейди раис сўзини давом эттириб,— минг машаққатлар билан етиштирилган молимизни арзон гаровга беришга мажбур эдик. Чунки «юқори»нинг ҳоҳиш-иродаси шундай бўлган. Энди мустақиллик шарофати билан вазият ўзгарди. Кунига идорамиз олдида вакиллар тирбанд. Турли саноат, қурилиш моллари ва бошқа зарур нарсалар таклиф қилиб мева, сабзавот сўрашмоқда.

Шунинг учун ҳам энди газ, водопровод учун қувур қидириш, айрим техника воситалари, қурилиш материалларини ойлаб излаш,қанча-қанча сарф-ҳаражатлар қилишдан қутулдик. Ҳозир эшигимиз тагига келтириб, уларни биз етиштирган маҳсулотларга алмашиб кетишяпти. Етказганига шукур. Энди фақат яхшироқ ишлашимиз, ер унумдорлигини ошириб, кўпроқ маҳсулот тайёрлашимиз лозим, холос. Харидорнинг ўзи уни излаб келаверади.

Дарҳақиқат, хўжаликда бўлганимизда айрим жойларда юк машиналари тирбанд бўлиб, юк ортилишини кутиб ётганини кўрдик. Ҳар ким



олиб келган молини мақтайди. Фақат айтилган маҳсулотни тезроқ беришса бўлгани. Мен тарозининг олдида раис билан кўришган куни олдимизда бир юк машинаси тўхтади. Ундан беш олти киши тушиб раисни ўраб олишди.

— Биз розимиз,— деди улардан бири раис билан кўришар экан.— Билмасдан олдинроқ олиб келган сув насоси учун қиммат сўраган эканмиз. Айтган шартингиз маъқул. Фақат тезроқ картошка берсангиз бўлгани. Одамлар кутиб ётибди.

— Кечирасиз-ку энди шароит ҳам ўзгарди. Харидорлар кўп. Картошканинг нархи кўтарилди. Қимматроқ тўлашга тўғри келади. Ҳафа бўлмайсиз, буни бозор дейдилар.

— Майли розимиз. Насосларни олингу, картошкани тезроқ беринг,— деди харидор иши битганидан хурсанд бўлиб.

Шунақа, Ўзбекистон тупроғининг зарраси олтинга тенг. Ишловини ўрнига қўйиб меҳнат қилган кам бўлмайди. Биргина «Тожикистон» жамоа хўжалиги аъзолари айни пайтда пишиб етилган пиёз, картошканинг ўзидан кунига 200—300 миллион сўмлик даромад олишмоқда. Ноз-неъматлар эса илгаригидек омборларда туриб, эгасини кутиб айнимаётир. Ковланаётган ҳар бир дона пиёз, картошкага харидор кўз тикиб турибди. Пули эса нақд.

Шу сабабли ҳам газ ўтказиш, водопровод тушириш учун қувур етарли. Иморат қуришни истаганларга ёғоч, тахта, фанер, ДВП, ДСП деган қурилиш материаллари олишга имкон бор. Ҳатто гуручни картошка, пиёзга алмашиб кетишяпти. Енгил машина олиш-ку осон бўлиб қолди. 12—15 тонна пиёзга ўзлари келтириб беришади. Узоққа бориб, вақт кетказиш, ортиқча сарф-ҳаражат қилишнинг ҳожати йўқ.

Фақат ҳалол тер тўксангиз, кўпроқ маҳсулот етиштирсангиз бўлгани. Денов туманидаги «Тожикистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари тадбиркор раҳбар, камтарин инсон, иқтидорли мутахассис Жума Кенжаев бошчилигида эл-юрт фаровонлиги, ўз шахсий манфаатлари йўлида фидокорона тер тўкишяпти. Шунга яраша ошиқлари олчи.

Бу йил улар 2500 тонна сабзавот, 750 тонна полиз маҳсулотлари, 3000 тонна узум, 205 тонна мева, 2500 тонна картошка, 2000 тонна ғалла, минг тонна пахта етиштиришни режалаштиришган. Шу мақсадда ишлашмоқда, интилишмоқда.

Интилганга толе ёр, деганларидек далаларда, боғ ва токзорларда етилган ва етилаётган ҳосил ҳирмонларнинг янада юксалишидан далолат беряпти. 84 гектар ерга экилган картошка одамларнинг меҳнатига яраша ҳосилини тўкиб солган. Мутахассислар, миришкор деҳқонларнинг айтишича, ҳеч қачон бу йилгидек ҳосил юқори бўлмаган. Гектар бошига 28—30 тоннадан картошка ковлаб олинмоқда.

Жамоа ерларининг 28 гектарида пиёзнинг эртанги навидан юқори ҳосил олиняпти. Гектарига 30 тоннадан ошириб маҳсулот тайёрланмоқда. Мевазор боғлар, токзорлар, далаларда етилаётган ноз-неъматларнинг чўғи дилни яшнатади. Демак, ҳамма соҳада юксак натижаларга эришиб, катта даромад олиш учун бу ерда барча имкониятлар етарли.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

# ЯХШИЛИК ТОНГЛАРИ ОТАВЕРСИН



Эллик еттинчи йили Ўрта Осиё политехника институтини тамомлаб, Энергетика ва автоматика институтига ишга келган Зарбдор Салихов шу ерда кичик ва катта илмий ходим, лаборатория мудири, институт директори лавозимларида ишлади. Иттифоқ Фанлар академиясининг Автоматика ва телемеханика институти аспирантурасини муваффақиятли тугатиб, олтмиш тўртинчи йили радиоузатгичлар иш режимини бошқаришнинг ўз-ўзидан мослашувчан тизими мавзуида техника фанлари номзоди диссертациясини ёқлади. Кейинчалик Ўзбекистон «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (ИИЧБ)да катта илмий ходим ва лаборатория мудири лавозимларида ишлаб, илмий фаолиятини давом эттирди. Натижада, у бошқариш объекти тўғрисида тўлиқ бўлмаган ахборот орқали мураккаб тизимлар бошқарувида алгоритмлаш, математик моделлаштириш ва мақбуллаш мезонларини аниқлаш муаммоларига доир масалалар мажмуини оқилона ҳал этди ҳамда шу мавзуга бағишланган докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилди.

Домла томонидан ҳисоблаш техникасини қўллаш ёрдамида мураккаб ташкилий-техникавий тизимларни автоматик бошқариш бўйича илмий мактаб ташкил этилди. Унинг раҳбарлигида ва маслаҳати билан ўттизга яқин докторлик ва номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Қолаверса, олим 130 дан ортиқ илмий рисолалар муаллифи ҳам.

Ўтган йилдан бери Зарбдор ака «Кибернетика» ИИЧБ Бош директорининг фан бўйича муовини вазифасини бажариб, кибернетика фанининг автоматик бошқариш муаммоларини ва масалаларини оқилона ҳал этишда ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келмоқда. У олий ўқув юртлари ва республика раҳбар ходимларининг малакасин ошириш тизимларида ҳам катта педагогик фаолият олиб бормоқда.

Фан ва техникани ривожлантиришдаги ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги самарали меҳнат фаолияти учун Зарбдор Салиҳов Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат фахрийси» медаллари билан тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис» Фахрий унвони соҳибидир.

Республикамиз кибернетикасининг камтар ва жонкуяр вакили, қатор шогирдларнинг толмас устози Зарбдор Мирзакаримович Салихов 60 ёшга тўлдилар.

Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, ҳамиша соғу саломат бўлинг, кўплаб яхшилик тонгларининг отишини кўринг.

**Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» ИИЧБ раҳбарияти ва жамоаси.**

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

# Осиё бозори

№ 63

1994 йил 16 июнь.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ—ДАВР ТАЛАБИ



Пешку тумани марказидаги ҳаммом биноси.



Ғиждувон туманидаги қурилиши тугалланмаган ошхона.



Ромитан туманидаги меҳмонхона биноси.



Бухоро шаҳрида жойлашган «Пончиковая» қаҳвахонаси.



Ғиждувон туманидаги қурилиши тугалланмаган чойхона.



Ғалаосиё шаҳрида жойлашган қурилиши тугалланмаган чойхона.



Пешку туманидаги Афшона қишлоғида жойлашган ҳаммом.

### 1994 ЙИЛНИНГ 29 ИЮНИДА БУХОРО ШАҲРИДА КЎЧМАС МУЛК КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

## КИМ ОШДИ САВДОСИДА СОТУВГА ҚЎЙИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР

**1. Бухоро шаҳридаги эски ва янги шаҳарлар қўшилишида жойлашган «Пончиковая» кафеси биноси.** Савдо-сотиқ учун ниҳоятда қулай ерда жойлашган. Кафе биноси пишиқ ғиштдан қурилган. Бино зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлантирилган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 20 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**2. Бухоро шаҳар «Регистон» майдонидаги савдо расталари ёнида — эски шаҳар марказида жойлашган «Регистон» ассоциациясига қарашли қурилиши тугалланмаган 11-дўкон.** Туристик маршрутда — колхоз бозори ёнида. X—XVIII аср меъморчилик архитектураси ёдгорликлари қошида жойлашган. Валюта савдоси учун кенг имкониятларга эга. Бинода 80 фоиз қурилиш ишлари ниҳоясига етказилган. «Регистон» ассоциацияси объект қурилишининг дастлабки баҳоси ҳисобига шу йилнинг 1 сентябригача тугаллашга кафолат беради. Лойиҳа бўйича дўкон олдида фавворалар ўрнатиш ва ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 25 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**3. Бухоро шаҳар «Регистон» майдонидаги савдо расталари — эски шаҳар марказида жойлашган «Регистон» ассоциациясига қарашли қурилиши тугалланмаган 25-дўкон.** Бино туристик маршрутда, колхоз бозори ёнида жойлашган. 80 фоиз қурилиш ишлари тугалланган. Бу дўкон валюта савдосининг кенг истиқболига эга. «Регистон» ассоциацияси дўкон қурилишини дастлабки баҳоси ҳисобига тўла тугаллашга ва уни шу йилнинг 1 сентябригача фойдаланишга топширишга кафолат беради. Лойиҳа бўйича дўкон олдида фавворалар қуриш ва ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 25 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**4. Вилоят марказининг эски шаҳар қисмида жойлашган 55-«Хўжалик моллари» дўкони биноси.** Омборхонаси бор. Пишиқ ғиштдан қурилган бу 1 қаватли бино бозор ёнида, аҳоли зич яшайдиган туманда жойлашган. Умумий майдони — 250 квадрат метр. Фойдали майдони — 160 квадрат метр.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 70 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**5. Бухоро шаҳридаги Қаюм Муртазоев кўчасида жойлашган 5 хонали квартира.** Майдони — 94,5 квадрат метр. У савдо маркази ёнида жойлашган бўлиб, барча муҳандислик коммуникацияси ва алоқа воситаларига эга.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 5 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**6. Бухоро шаҳар Навоий шоҳ кўчасидаги «Етти гўзал» ресторанининг 1-қаватида жойлашган дўкон.** Бино ёнидан савдо расталари — «Динамо» спорт товарлари дўкони ва бошқалар ўрин олган. Фойдали майдони—40 квадрат метр.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 2 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**7. Бухоро шаҳрининг «Регистон» майдонидаги савдо расталари ёнида — эски шаҳар марказида жойлашган қурилиши тугалланмаган 30-дўкон.** Бино колхоз бозори, қошида, туристик маршрутда жойлашган дўкон ёнида. X—XVIII аср архитектура ёдгорликлари мавжуд. Валюта савдоси бўйича кенг истиқболга эга. Қурилиш ишларининг 80 фоизи ниҳоясига етказилган. «Регистон» ассоциацияси бинони дастлабки баҳоси ҳисобига шу йилнинг 1 сентябригача ишга туширишга кафолат беради. Лойиҳа бўйича бино олдида фавворалар ва ободончилик ишлари амалга оширилади.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ —25 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**8. Бухоро шаҳар «Регистон» майдонидаги савдо расталари ёнида — эски шаҳар марказида жойлашган қурилиши тугалланмаган 39-дўкон.** Бино колхоз бозори қошида, туристик маршрутда жойлашган. Дўкон ёнида кўплаб X—XVIII аср архитектура ёдгорликлари мавжуд. Валюта савдоси бўйича кенг истиқболга эга. Қурилиш ишларининг 80 фоизи ниҳоясига етказилган. Ассоциация бинони дастлабки баҳоси ҳисобига шу йилнинг 1 сентябригача қуриб битказишга кафолат беради. Лойиҳа бўйича дўкон олдида фавворалар ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 25 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**9. Бухоро шаҳар «Регистон» майдони савдо расталари — эски шаҳар қисмида жойлашган қурилиши тугалланмаган 46-дўкон.** Бу бино деҳқон бозори ёнида — туристик маршрутда жойлашган. Валюта савдоси бўйича катта истиқболга эга. Қурилиш ишларининг 80 фоизи тугалланган. «Регистон» ассоциацияси бинонинг дастлабки баҳоси маблағлари ҳисобига шу йилнинг 1 сентябрида бино қурилишини тугаллашга кафолат беради. Лойиҳага кўра дўкон олдида фавворалар қуриш ва ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 25 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**10. Ромитан тумани марказидаги қурилиши тугалланмаган маиший хизмат комплекси.** Бино пишиқ ғиштдан қурилмоқда. Умумий майдони — 0,5 гектар. Лойиҳа бўйича мажмуада ресторан, шунингдек, умумий овқатланиш ва маиший хизмат пунктлари фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Объект колхоз бозори билан бир қаторда жойлашган бўлиб, ўнг ва чап томонларида савдо расталари мавжуд.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 350 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**11. Когон шаҳар темир йўл бўлимига қарашли 3-ишчилар таъминоти бўлимининг 5-дўкони филиали.** Фарғона кўчасида жойлашган бу бино бир қаватли, чўпкори, металл тунука билан, олд томони шиша билан қопланган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 5 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**12. Пешку тумани марказидаги Ўзбекистон кўчасида жойлашган савдо маркази комплекси.** 1982 йилдан фаолият кўрсатаётган бу комплекснинг умумий фойдали майдони — 0,7 гектар. Катта мол оборотига эга бу савдо марказида 80 ўринли қаҳвахона, мебель, озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари, шунингдек, омборхона биноси ва бошқа ёрдамчи объектлар ҳам мавжуд.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 500 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**13. Когон шаҳридаги Бобур турар жой массивида жойлашган «Ветерок» павильони.** Чўпкори, металл тунука билан, олд томони шиша билан қопланган. Павильонни кенгайтириш учун 30Х30 метрли майдон бор. Умумий фойдали саҳни — 42 квадрат метр.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 3,5 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**14. Ғиждувон шаҳридаги қурилиши тугалланмаган 75 ўринли ошхона.** Объект қурилиши 30-40 фоиз амалга оширилган. «Бухоро — Тошкент» катта йўли ёқасида жойлашган бу бино пишиқ ғиштдан қурилган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 90 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**15. Бухоро тумани маркази — Галаосиё шаҳридаги қурилиши тугалланмаган сут заводи.** Лойиҳа қуввати бўйича бир кеча-кундузда 12 тонна сутни қайта ишлайдиган бу корхона қурилиши 1989 йилда бошланган. Ҳозирги пайтда бу ерда 220 миллион сўм-купонлик ҳажмида ёки 60-70 фоиз ҳажмида иш бажарилган. Завод 25 ишчи ўрнига мўлжалланган. Умумий майдони — 0,56 гектар.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 250 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**16. Ромитан тумани марказида жойлашган 19 ўринли меҳмонхона.** 1961 йилдан фаолият кўрсатаётган бир қаватли бу бино атрофи ободонлаштирилган. Телевизор, стол, каравот, диван ва бошқа жиҳозларга эга.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 30 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**17. Ғиждувон шаҳридаги қурилиши тугалланмаган 50 ўринли чойхона.** Пишиқ ғиштдан барпо этилаётган, бир қаватли бу бинода 30-40 фоиз қурилиш ишлари амалга оширилган. Чойхона «Бухоро — Тошкент» катта йўли бўйида жойлашган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 70 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**18. Пешку тумани марказида жойлашган ҳаммом.** 1994 йилда ишга туширилади. Ҳаммом соатига 40 кишига хизмат кўрсатади.

**19. Пешку туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган, йилига 3 миллион шартли банка ишлаб чиқарувчи консерва заводи (қурилиши тугалланмаган объект).** «Ромитан — Пешку» йўли бўйида. Туман маркази яқинида жойлашган бу объектда қурилиш ишлари 80 фоизга бажарилган. Умумий майдони — 1,5 гектар. Фойдали майдони — 0,85 гектар.

**20. Пешку тумани Афшона қишлоғида жойлашган, соатига 20 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ҳаммом.** 1991 йилда ишга тушган, пишиқ ғиштдан қурилган, бу бинонинг атрофи обод, мевали боғлар билан ўралган. Ҳаммомнинг умумий майдони — 0,32 гектар, фойдали майдони — 0,10 гектар.

**21. Бухоро тумани маркази — Галаосиё шаҳрида жойлашган ёрдамчи хўжаликка эга бўлган 100 ўринли чойхона (қурилиши тугалланмаган объект).**

«Бухоро — Тошкент» катта йўлида жойлашган бу бино 1990 йилдан қурила бошлаган бўлиб, 50 фоиз қурилиш ишлари бажарилган. Маданият ва истироҳат боғи яқинда барпо этилаётган бу объект пишиқ ғиштдан қурилган, 0,30 гектар умумий майдонга эга.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 100 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОН.

**22. Пешку тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган, деворлари пишиқ ғиштдан кўтарилган, иситиш тизимларига эга иссиқхона (қурилиши тугалланмаган объект).**

Қурилиш ишлари 1990 йилдан бошланган бу бинонинг умумий майдони — 0,12 гектар, фойдали майдони — 0,10 гектар.

**23. Пешку тумани «Янгиобод» жамоа хўжалиги ҳудудидаги йўл ёқасида пишиқ ғиштдан қурилаётган чойхона (қурилиши тугалланмаган объект).** Ёзги ва қишки заллари га эга бўлган бу чойхонада 5 та ёрдамчи бино мавжуд. Чойхона атрофи обод, мевали дарахтлар бор, канализацияси ишлайди.

Бундан ташқари, кимошди савдосида вилоят пилла-чилик бирлашмасининг қурилиши тугалланмаган лаборатория биноси ҳам сотувга қўйилади (Бухоро шаҳри, С. Мурсцов кўчаси).

**Номлари кўрсатиб ўтилган объектлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни сиз давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасидан олишингиз мумкин.**

**Бухоро кўчмас мулк ким ошди савдоси (аукциони) ҳақиқий мулк эгаси бўлишингизга катта имконият яратади.**

**Ўз вақтида буюртма берган, бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этган, белгиланган тартибда хусусийлаштирилган объектлар дастлабки баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаровга Бухоро шаҳрининг саноат-қурилиш банкидаги давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасининг № 001609611 ҳисоб рақамига пул ўтказган юридик ва жисмоний шахслар ким ошди савдосида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.**

ТЎЛОВЛАР ИСТАЛГАН ШАКЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Ким ошди савдоси (аукцион)да қатнашиш учун буюртмалар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (якшанба кунидан ташқари) қуйидаги манзилда қабул қилинади: Бухоро шаҳри, Октябрь 40 йиллиги кўчаси, 2-уй, 5 қават, 143, 156-хоналар, ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ.**

**Бу ерда объектлар билан тўлиқ танишишингиз ва сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича маслаҳатлар олишингиз мумкин.**

**ТЕЛЕФОНЛАР: 4-32-42, 4-21-65, 4-37-71, 3-65-23.**

**Ахборот матбуотда ёритилган вақтдан бошлаб сотувчи барча юридик ва жисмоний шахсларга ким ошди савдосига қўйилган объектлар билан олдиндан танишиш имкониятини яратади.**

**Буюртмалар 1994 йилнинг 26 июнь кунидан сўнг қабул қилинмайди.**

**Объектлар хусусийлаштириш ким ошди савдосининг очилиши 1994 йилнинг 29 июнь куни соат 11.00 да бошланади.**

**Ким ошди савдоси (аукцион) ўтказиладиган жой: БУХОРО ШАҲРИ, ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ КУЧАСИ, 2-УЙ, 1-ҚАВАТ.**

**Шаҳар ҳокимининг йиғилишлар ўтказиш катта зали.**



Бухоро шаҳридаги 55-«Хўжалик моллари» дўкони.



Бухоро шаҳридаги дўконлар растаси.




Пешку туманидаги савдо маркази (Янги бозор).



Бухоро туманида жойлашган сут заводи.



Ромитандаги маиший хизмат комплекси биноси.



Бухоро шаҳар. «Етти гўзал» ресторани биносининг биринчи қаватидаги дўкон.

## МУЛК ЭГАСИ БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.

Индекс: 75487.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ“ — ТАЛАБАГА

# ТУҲМАТЛАРГА ҚОЛГАНДИ БОШИ...

Туҳматнинг тоши оғир. У ўзининг залвори билан манаман деган валломатнинг ҳам қаддини дол, ҳолини забун қила олади. Собитхон ака Абдулаҳаев туҳматни синаб кўрган, унинг зил-замбил тошини саккиз йил елкасида кўтариб юришга мажбур бўлган. Ўтган вақтда ғийбатлару миш-мишларга ем бўлди — тишини тишига қўйди, чидади. Саккиз йил дўстларининг боши ҳам, душманлари шод-хуррам бўлди — чидади. Қирқ икки йиллик меҳнат фаолияти давомида мисқоллаб тўплаган обрў-эътибори туҳмат туфайли тўкилди — бардош берди. Чунки юрагининг қат-қатида бир кун эмас, бир кун ҳақиқат қарор топиб, менинг бегуноҳлигим тасдиқланади, деган умид дилини ёритар, тасалли берарди.

### УСТАБОЕВ ВОҚЕАСИ

1983 йил апрел... Собитхон ака Абдулаҳаев раҳбарлик қилаётган педагогика билим юртида ишлар бир маромда давом этар, ҳеч ким ҳадемай бу даргоҳда ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ана шундай осуда кунларнинг бирида фожеа юз берди: билим юрти кассири Иброҳим Устабоев тўсатдан ўз уйида жонига қасд қилди, ўзини осиб қўйди. Маълум бўлишича И. Устабоевда 7400 сўм камомад бор экан.

Тергов айбдорни топди — билим юрти бош ҳисобчиси Ш. Межидов касса ишини назорат қилмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Ишнинг билим юрти директори Собитхон Абдулаҳаевга тегишли қисми таркибида жиноят йўқлиги учун ҳаракатдан ётқизилди. Лекин у ўзи ташкил қилган, оёққа қўйган, меҳри тушган даргоҳни тарк этди.

### ПУЛ ТЎПЛАШ МОЖАРОСИ

И. Устабоевнинг камомади аниқлангач, билим юрти касаба уюшмаси раҳбарияти ташаббуси билан йиғилиш ўтказилди, талаба ва ўқитувчилардан пул тўплашиб, камомаднинг ўрнини қоплашга аҳд қилишди. Талабалардан 5-10 сўмдан ихтиёрий равишда тўпланиб, маблағ икки минг сўмдан ошганда бу пулдан камомадни қоплаш учун фойдаланиб бўлмаслиги маълум бўлди. Тўпланган пуллар рўйхат қилиниб яна талабаларга қайтарилди. Ўқишни битириб кетган талабаларнинг пуллари дипломларини олишга келганларида бериладиган бўлди ва шундай қилинди.

Бор гап шу. Орадан ойлар, йиллар ўтди. Косонсойликлар Устабоев воқеасини астасекин унута бошладилар. Бироқ... кутилмаганда бу воқеа яна юзага қалқиб чиқди.

Нега? Ишда янги ҳолатлар очилиб, Собитхон Абдулаҳаевнинг айбдор эканлиги маълум бўлиб қолдими? Бугун бу саволга узил-кесил «Йўқ!» деб жавоб бериш мумкин, лекин ўшанда, эҳ-ҳе, миш-мишлар кўпайиб, ҳар бири Собитхон аканинг дилини пичоғдек тилган, вужудига қаттиқ азоб берган эди.

Жиноий ишнинг қайтадан қўзғатилишига вилоят ҳуқуқ-тартибот органларига тушган бир думалоқ хат сабаб бўлган эди. Бизда жиноят ишдан олинган, тўққиз йил олдин Собитхон аканинг ҳаётини остин-устун қилиб юборган бу хатни биргалашиб ўқиш имконияти бор:

«Бизнинг ариза беришимиздан мақсадимиз шундан иборатки, 1983 йилли Косонсой шаҳридаги педагогика билим юртида Устабоев Иброҳим деган йигит кассир бўлиб ишлаган. Шу кассир йигит ўзини ишхонасида ўлдирди, кейин тафтиш қилинганда 8,5 минг сўмдан кўпроқ камомад топилади, лекин бухгалтер қамалиб кетади, асосий жиноятчи ҳозир ҳам кўчада ўйнаб юрибди. Устабоев Иброҳим нима учун ўзини ўзи ўлдирганлигининг сабабини илгари текширган одамлар яхши билади, лекин беркитиб юборишган. Устабоев ўлиб кетди, сабаби собиқ директори Абдулаҳаев доимий равишда стипендияларни ўзлаштириб, давлат мулкини талон-торож йўлига ўтган. Стипендиялар 6-7 ойлаб талабаларга берилмаган, доимий равишда кассирни ўзининг гапига юргизиш учун камситиб ва қўрқитиб ишлатиб келган... Доимий қўрқитиш ва камситишларга чидамаган кассир, қолаверса камомадни ҳисобга олиб ўзини ўзи ўлдирган...

Ўша даврда Абдулаҳаев кассирга айтиб, Ёдгоровга 2 минг сўмдан кўпроқ пулни бердириб юборган. Бундан ташқари студентлар стипендиясидан 2 бош мол сотиб олган ўзига, яна ўзининг мансабидан фойдаланиб, ҳар йили колхоз ва совхозларга техникум «шеф» бўлган жойда гектарлаб қовун, тарвуз эктириб, қолаверса студентларни ишлатиб, экилган экинларни ўзининг фойдасига ўзлаштирган, ҳаромдан топилган пулларга «ГАЗ-24» машинасини олган, унинг номери Тошкент номери билан бўлиб бемалол миниб юрибди...

Биз ўзимизнинг фамилиямизни қўймаймиз, чунки у хоинлари орқали бизни ҳам кассир аҳволидан баттар қилиши мумкин.

Бир группа Косонсой ветеранлари».

Хатни ўқиб кўз олдингизда фақатгина ўзининг балои нафсини ўйловчи, бунинг учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишининг қиёфаси гавдаландими? Ҳа, хат муаллифлари ҳам юқори идораларда ана шундай таассурот қолдиришмоқчи эди, бунинг уддасидан чиқишди.

Энди хат муаллифларига эътибор берайлик. Кимлар ўзи бу Косонсой ветеранлари? Бу саволга барибир жавоб топа олмаймиз. Собитхон аканинг ўзи ҳам ҳали ҳануз уларнинг кимлигини билмайди.

Суриштириб келганда, бу имзосиз, оддий думалоқ хат. Лекин у пайтларда думалоқ хат ёзувчиларнинг куни туққан, кўнглига биров ўтиришмай қолдими, тамом, кўп ўтмай юқори идораларга унинг устидан думалоқ хат тушарди. У тасдиқланадими — йўқми — бу билан бировнинг иши йўқ.

### ТЕРГОВ

Тергов ҳужжатлари билан танишар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 14-моддаси талаблари бот-бот ёдга тушади. Хусусан, унда суд, прокурор, терговчи ва суриштирув олиб борувчи шахс ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив тарзда текшириш учун қонун билан белгилаб қўйилган барча чораларни кўришга, айбланувчини қораловчи ҳолатларни ҳам, оқловчи ҳолатларни ҳам, шунингдек, унинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам аниқлашга мажбурдир, деб лўнда қилиб ёзиб қўйилган. Афсуски, бу муқаддас талаб қўпол равишда бузилган. Айблов фикри бунга далил бўла олади. Чунки у мазмунан бошдан-оёқ думалоқ хатни такрорлайди. Бошқача қилиб айтганимизда, тергов бор кучини ишга солиб думалоқ хатда келтирилганларни тасдиқлашга уринади, ҳатто тўпланган икки минг сўмдан ортиқ пул 3400 сўмга айлантирилади ва ўзлаштириб юбордига чиқарилади.

Терговнинг бир ёқлама, фақат қоралов йўли билан олиб борилаётганидан норози бўлган Собитхон ака кўргазма беришдан бош тортади. Ана шундан кейин тергов органлари эҳтиёт чорасини ўзгартириб уни қамоққа олади...

### СУД

Суд маълумки, мустақил ҳисобланади. Дастлабки тергов айбланувчини нечоғли қорага бўяб кўрсатмасин суд айбланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмаларини эшитиб, ҳужжатларга солиштириб бир фикрга келади. Шунинг учун ҳам Собитхон ака ва унинг яқинлари судда адолат бўлади, айб ноҳақ қўйилганлигини аниқлайди деб умид қилишга ҳақли эдилар. Аммо уларнинг бу умидлари пучга чиқди.

1985 йил 11 февралда Косонсой тумани халқ суди оқни оқ, қорани қора қилиш ўрнига қўйилган айбни енгил, деб топди ва ишни қайта терговга жўнатди. С. Абдулаҳаевга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилмади, у қамоқда қолаверди. Орадан маълум вақт ўтгач, Собитхон Абдулаҳаев ЎзССР ЖКнинг 151, 118-модданинг 3 -қисми билан айбланди ва иш яна судга чиқарилди. С. Абдулаҳаевнинг айби энди анча оғирлаштирилган, яъни уни олти йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниш жазоси кутар эди.

1985 йил 3 апрелда Учқўрғон тумани халқ судининг раиси О. Хўжақулов раислигида суд мажлиси бўлиб ўтади. Суд Собитхон акани айбдор деб топди ва уни олти йил озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқаради.

Собитхон ака, хайриятки, қамоқда кўп вақт бўлмади. 1985 йил май ойида Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан амнистия эълон қилинди. Собитхон ака ўсмирлик йиллари далада фидокорона меҳнат қилгани учун «Шавкатли меҳнати учун» нишони билан мукофотланган эди. Шу боис амнистия шарофати билан уйига қайтди. Амнистия яхши бўлди, лекин у баъзи бировлар томонидан чапланган қорани ювиб юбора олмасди, у шу қора билан юришга мажбур эди.

Бу орада ҳаётимизда муҳим ўзгаришлар юз берди. Республикамиз мустақил бўлди, прокуратура ва суд органлари ҳам ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тўғрилашга дадил киришди, бугун эса улар халқимизнинг Конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза этиш йўлида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Собитхон Абдулаҳаев устидан чиқарилган қоралов ҳукмга вилоят прокурори протест киритди. Вилоят суди эса ҳукмни бекор қилиб ишни терговга қайтарди.

Энди сўзни ишни қайта тергов қилган Косонсой тумани прокуратураси терговчиси Э. Шерматовга берамиз:

— Бу жиноий ишни тергов қилишда билим юрти директори ва бош бухгалтерининг вазифасига нималар киришини аниқлаш керак эди. Масалан, директор вазифасига таълим тарбия ишларини ташкил қилиш ва таъминлаш киради. Кассадаги даромад ва харажатларни бевосита назорат қилиб бориш унга юклатилмаган, бу бевосита бош бухгалтер вазифасига киради. Бу собиқ СССР Министрлар Советининг 1980 йил 24 январдаги 59-қарорида аниқ ва равшан кўрсатиб қўйилган. Демак, Собитхон Абдулаҳаевга И. Устабоевнинг кассасини назорат қилмади, деб айб қўйиш қонунга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам тергов бу жиноий ишни таркибида жиноят йўқ деб топди.

### ХАТ ИЗИНИ ҚИДИРИБ...

Собитхон ака 1985 йил Намангандаги тергов изоляторида ўтган қора кунларини эслаб, шундай деди:

— Мени ҳибсга олиб, қамоқхонага олиб боришган кун камерадошларимдан бири — янгиқўрғонлик Носиржон Шодиконов косонсойлик Собитхон Абдулаҳаев сизми? — деб сўради, — сизнинг бу ерга келишингизни олдиндан билар эдик, деди. Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Носиржон, бу камерада мендан олдинроқ Косонсой автобазасининг директори Юнусхон Раҳмонов ҳам ўтирганлигини, кимлардир унга Собитхон Абдулаҳаев устидан хат ёзасан деб тазйиқ ўтказганлигини, хат ёзишга мажбур қиляпти, ёзсаммикин — ёзмасаммикин деб унга маслаҳат солганлигини, нималар ҳақидадир ёзганлигини айтиб берди.

Юнусхон Раҳмонов қамоқ муддатини ўтаб Косонсойда яшаётган экан.

Йиллар ўтавераркан, у шунчаки ўтмасдан биз қилган ишларимизни адолат тарозисига солиб ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини кўрсатиб ўтаркан. Модомики, шундай экан, адолатсизлик қилишдан ўзимизни тийишимиз, меҳр-оқибатли бўлиб, бир-биримизни қадрлашни ўрганишимиз керак. Узоқ ва яқин тарих воқеаларидан оладиган сабоғимиз — шу!

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**Шоҳруҳ АКБАРОВ.**

• *Спорт*

# НАРИМОН ОТАЕВНИНГ ҒАЛАБАСИ



Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида жаҳон кубоги учун ўтказилган бокс мусобақасида 65 килограммгача вазндаги спортчилар тоифасида тошкентлик боксчи Наримон Отаев ғолиб чиқди.

Халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига эга бўлган 23 яшар спортчимиз илгари ҳам бир қанча нуфузли турнирларда ғолиб чиққан эди. Аммо, бу ғалги ғалабанинг қиммати ўзгача — Наримон биринчи марта Ўзбекистон миллий терма командаси байроғи остида майдонга чиқди.

Ўзбекистонлик боксчилар Бангкокда яна иккита совринли ўринни қўлга киритишди. Оғир вазндаги боксчи Олег Маскаев бетоблиги туфайли финал мусобақасида қатнаша олмагани учун иккинчи ўринни эгаллади, 81 килограммгача вазнда эса Темур Иброҳимов бронза медалини қўлга киритди.

**СУРАТДА: жаҳон кубоги соҳиби Наримон Отаев.**

**Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.**


ПОКИСТОН ДАВЛАТ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЮРОСИ

ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ

**СИЗЛАРНИ ПОКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

*Кўргазма 1994 йил 14-20 июнь кунлари Ўзэкспомарказда (собиқ ВДНХ) ўтказилади*

**Кўргазмада қуйидаги маҳсулотлар билан танишишингиз мумкин:**

Саноат моллари, машина асбоблари, цемент ва шакар заводлари, электроника ва электр моллари, автомобиллар ва эхтиёт қисмлари, пахта, жун, текстиль, полиэстер газмоллари, тайёр кийимлар, пайпоқ маҳсулотлари, сочиқ, чармдан қилинган буюмлар, оёқ кийим, фармацевтика, спорт буюмлари, жаррохлик ускуналари, косметика, кимёвий озиқалари, тамаки ва сигареталар, гуруч озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғочдан ясалган уй жиҳозлари, халқ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари.

*Маълумот учун телефонлар: 771442, 771003, 778272*



Табани GROUP OF COMPANIES

«Табани корпорейшн» фирмаси Тошкентда Покистон моллари кўргазмаси очилганлиги билан табриклайди. (кўргазма 14 июндан 20 июнгача «Ўзэкспомарказ»да ўтказилади).

Кўргазма ташкилотлари — Покистон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси, Покистон ҳукуматининг экспортни жадаллаштириш бўйича бюроси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Покистон-Ўзбекистон алоқаларини ривожлантиришга қўшган янги ҳиссалари билан табриклаймиз. Кўргазмага ташриф буюрганларни «Табани» фирмаси бўлими билан танишишга таклиф этамиз. У ерда;

«Табани групп» ишлаб чиқарган кийим-кечак ва пойабзаллар, чойшаблар, чарм маҳсулотлари, халталар, атир-упа, идора моллари, дори-дармонлар, пластмасса маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари ва бошқа буюмлар кенг намойиш қилинади.




КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

Энг эзгу ниятлар ила.

Муҳаммад Аббосхон,
«Табани групп оф компаниз»-нинг Ўрта Осиё ваколатхонаси бошқарувчиси.

МАНЗИЛГОҲ:

Катта Миробод кўчаси, 158.

ТЕЛ: 54-06-70, 55-35-49.

ФАКС: 54-08-30.

ТЕЛЕКС: 116416. TBANISU.



Apple Macintosh компьютерлари барча имкониятларга бой



Бугун Apple компанияси сизларга бир қатор компьютер турларини арзонлаштирилган нархларда таклиф этмоқда. Сизнинг эътиборингизга Macintosh LC475- ҳар хил корхоналар учун энг мос, энг қувватли компьютерни намойиш этамиз. Ушбу компьютер қуйидаги имкониятларга бой: Оператив хотираси миқдори - 4 Мб; қаттиқ диск миқдори - 80 Мб; дисплей- 14" SVGA; Ўзбек, рус, араб, турк ва бошқа тиллардаги операцион тизимга эга. Apple ишлаб чиқарадиган 1.44 Мб миқдорли Супер-Драйв Сизга MS-DOS, OS/2 ва барча бошқа тизимларда яратилган хужжатларни ўқишга имконият беради. Макинтош компьютерлари ички LocalTalk алоқа тизимларига эга, демак бир неча компьютерлар орасида алоқа тузиш учун Сиз ушбу Макинтош компьютерларни ўзаро улашингиз керак, ҳалос. Дарҳақиқат, Макинтош компьютерларининг имкониятлари чексиздир!

Нархи эса атиги : $1495

Телефон: 32-38-68

ABSYS- бу Apple Computer, Inc. корпорациясининг Ўрта Осиё давлатларидаги расмий дистрибьюторидир.

Apple расмий дилерлари - Нурон,Ltd.- 67-22-08;
ВаДиМ, Ltd.- 33-14-19; TEKNESIS-INFO консорциуми - 67-19-10;
"Ўзбексавдо" ДАА РИХМ -39-40-48.

ABSYS Authorized IMC

© 1994 Apple Computer, Inc. All Rights Reserved. Apple and the Apple logo are registered trademarks of Apple Computer, Inc.



МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»**

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-66; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.30.
Г—939 85501 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.